

**Хусусий акциядорлик-тижорат банки “Универсал банк”
акциядорларнинг 2015 йил якунлари бўйича навбатдаги умумий йиғилиши
1 – сонли баённомасидан кўчирма**

11. Кун тартибдаги ўн биринчи “Тафтиш комиссияси таркибини сайлаш. Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш” масалалари юзасидан йиғилиш раиси А.Ирчаев сўз олиб, 2015 йил давомида тафтиш комиссияси томонидан олиб борилган ишларни қониқарли деб баҳолади. Шундан сўнг тафтиш комиссиясини сайлаш зарурлигини билдириб, тафтиш комиссия аъзоларига Янгаев Рамил Камилевич, Ирчаева Шарофат Мухсидовна ва Джалалов Бегзод Тўхтамуродович номзодларини 1 йил муддатга сайлаш таклифини киритди. Шу билан бирга, тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдорини ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 3 (уч) баробари миқдорда белгилаш ва ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача тўлаб бериш таклифини йиғилиш қатнашчилари муҳокамасига қўйди.

Овозга қўйилган масала:

Банк тафтиш комиссияси аъзолигига 1 йил муддатга қуйидаги номзодларни сайлаш: Янгаев Рамил Камилевич, Ирчаева Шарофат Мухсидовна ва Джалалов Бегзод Тўхтамуродович. Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдорини ҳар ойда амалдаги энг кам иш ҳақининг 3 (уч) баробари миқдорда белгилаш ва ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача тўлаб бериш.

Овозга қўйилган ушбу масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори йиғилишда иштирок этаётган Банк овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Кун тартибдаги масала бўйича овоз бериш натижалари:

Тарафдорлар	2 353 168 дона овоз	96%
Қаршилар	Йўқ	0%
Бетарафлар	Йўқ	0%

Қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Қабул қилинган қарор:

Банк тафтиш комиссияси аъзолари 1 йил муддатга қуйидаги таркибда сайлансин: Янгаев Рамил Камилевич, Ирчаева Шарофат Мухсидовна ва Джалалов Бегзод Тўхтамуродович. Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори ҳар ойда амалдаги энг кам иш ҳақининг 3 (уч) баробари миқдорда белгилансин ва ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача тўлаб берилсин.

Аслига тўғри:

Бошқарув раиси

Бош бухгалтер



З.К.Тўракулов

О.А.Пўлатов